

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Якубов Қ. Амир Темур сиймоси манғит хонлари нигоҳида: тақлид ва легитимация ... 3
Идиев А. “Баҳр ал-асрор” асаридаги этник маълумотларга оид мулоҳазалар 16

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Алимова Д. Марказий Осиёнинг XVI – XIX аср биринчи ярмидаги тарихи янги методологик ёндашувлар контекстида..... 27
Абдурасулов Х. Из истории внедрения в Туркестанском крае российских мер и клейменых весов 41
Хуснутдинов Ф. Обзор публикаций по биографии Саййида Махмуда Тарази – представителя туркестанской эмиграции *‘улама’*: достоинства и лакуны 58

ДИПЛОМАТИКА ТАРИХИДАН

Остонов Ж. Афғонистон амири Омонуллахоннинг ташқи сиёсати 82

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

Каримова С. Ибн Сино диагностикаси 95
Азизов С. “Девон луғот ат-турк” ва “Қутадғу билиг” асарларида фалакиётга оид маълумотлар 107

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Алимова Л. Трансформация гендерного вопроса в Южной Корее в XX веке 117
Акрамова Ш. Реформа науки и образования в КНР 130

ПЕРСОНАЛИ

Академик Дилорам Юсупова таваллудининг 80 йиллигига қутлов

Асқаров А. Дилором Юсупова – таниқли шарқшунос олима..... 140

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 3 декабрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Д. Алимова

Марказий Осиёнинг XVI – XIX аср биринчи ярмидаги тарихи янги методологик ёндашувлар контекстида

Ўзбекистон тарихининг XVI–XIX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган, яъни фанда шаклланган анъанага кўра, “сўнгги ўрта асрлар” деб аталадиган қисми мураккаб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этно-маданий жараёнларга тўла бўлган давр ҳисобланади. Шу жиҳатдан, Амир Темур ва Темурийлар давридаги сиёсий куч-қудрат ва иқтисодий юксалиш ҳамда маданий ва илмий ренессансдан кейинги “Сўнгги ўрта асрлар”нинг маълум бир босқичлари сиёсий парокандалик ва бошбошдоқлик, давлат институтларининг заифлашуви, ташқи алоқаларнинг қисқариши, қуруқлик бўйлаб амалга оширилган карвон савдосининг пасайиши ва маданий жараёнларнинг сусайиши билан тавсифланади.

Бу омиллар нафақат фанда, балки жамиятнинг тарихий тафаккурида ҳам мазкур даврга нисбатан “инқирозга юз тутиш”, “чуқур турғунлик”, шунингдек, минтақанинг жаҳон цивилизациясидан “узилиб қолган чекка ўлкаси” сифатида қарашларнинг шаклланишига асос бўлди[*].

Бироқ маҳаллий ва хорижлик тадқиқотчиларнинг сўнгги ишлари бу каби таърифларни XVI–XIX аср биринчи ярми Ўрта Осиёда кечган тарихий жараёнларга нисбатан тўлалигича қўллаш хато эканлигини кўрсатди [15; 19; 7: 20; 18]. Бундай талқин аслида мазкур давр сиёсий

[*] Бу ёрлиқнинг яққол жарчилари қаторига, аввалambор, Бертольд Шпулерни киритиш керак [20: 420]. Мазкур фикрни у ёки бу даражада А. Тойнби, В. Бартольд ва б. ҳам қўллаб-қувватлаганлар [4: 199–203].

ва ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларини механик тарзда умумлаштириш ва соддалаштиришга бўлган уринишнинг оқибатидир.

Замонавий тадқиқотчилар Ўрта Осиё жамиятидаги XVII–XVIII аср биринчи ярмида кучайиб, XIX охирида янада авж олган ҳамда шу орқали минтақанинг Россия империяси томонидан забт этилишига туртки берган ва осонлаштирган кескин ва сурункали инқирозли ҳолатларни инкор этмаган ҳолда, ушбу давр тарихини фақат салбий ҳолатлар билан тавсифланувчи жараён сифатида қабул қилмай, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар характери, хусусиятлари ва динамикасини турли ташқи ва ички омиллар контекстида батафсил ўрганишга диққат қаратишни тавсия этадилар. Бу давр билан шуғулланган машҳур олима Р.Г. Мукминова ёзганидек, ҳокимиятнинг доимий алмашиниб туриши ҳамда уруш ҳолатларига қарамай, муайян даврларда иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришда юксалиш юз берган [9: 31]. Қайд этиш жоизки, айнан мана шу ҳолат мазкур давлатлар тараққиётининг ноёб хусусияти бўлиб, батафсил таҳлилни талаб этади.

Юз берган ўзгаришларнинг ташқи омилларига келсак, шубҳасиз, улар қаторига халқаро савдодаги асосий йўлларнинг ўзгаришини, минтақани энг муҳим савдо-иқтисодий қон томирларидан четда қолдирган денгиз йўллари ролининг ошишини киритиш керак. Айрим тадқиқотчилар минтақанинг сиёсий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан яккаланиб қолишини Эронда ташкил топган шиа давлатининг кучайиб бориши ҳамда мазҳаблардаги зиддият туфайли у билан савдо-дипломатик алоқаларнинг қисқариши билан ҳам изоҳлашади. Аммо, XVI–XVIII аср биринчи ярмида Ўрта Осиё жамиятидаги мураккаб жараёнлар, нафақат, Марказий Осиё, балки, умуман, мусулмон Шарқи учун хос бўлган инқирозли ҳолатларнинг бошқа бир қатор сабаблари билан боғлиқликда тадқиқ этилиши лозим.

Бу борада машҳур тарихчи Ю.Э. Брегелнинг фикрига қўшилмаслик мумкин эмас. Олим минтақанинг “чекка ўлка” сифатида дунёдан “узилиб қолиш” ҳолатига доир кенг тарқалган тушунчани изоҳлар экан, “Марказий Осиёнинг мусулмон дунёси сингари, Шарқий Осиёдан ажралиб қолганлиги тўғрисидаги фикрни кўпиртириб юбориш керак эмас, зеро ўша пайтда уларнинг ўзи ҳам тараққиётдан анча йироқда эди. Марказий Осиёдаги инқироз ноёб ёки

фавқулодда ҳодиса бўлмаган; амалда бу даврда бутун ислом олами инқироз босқичида бўлган, бу айрим ўзига хос ҳолатлардан ташқари ҳар бир минтақага хос бўлган ҳамда уларнинг умумий ижтимоий ва маънавий эволюциясида умумий сабаблар бўлган" [15: 2] деб таъкидлаган .

Шу билан бирга, Ю. Брегел Сафавийлар ва Қожорлар Эрони билан маданий ҳамда сиёсий алоқаларнинг заифлашувини Марказий Осиёдаги маданий инқирознинг асосий сабабларидан бири сифатида баҳоламайди. Унинг фикрича, тарихчилар эътиборидан четда қолаётган омил, яъни Жунғор хонлиги юзага келиши оқибатида Марказий Осиё давлатларининг бутун тарихи давомида муҳим аҳамиятга эга бўлган Хитой билан савдо-сотиқ, маданий ва дипломатик алоқаларнинг заифлашиши анча жиддий таъсир кўрсатган эди [15].

Америкалик тадқиқотчи С. Левайнинг фикрича, тадқиқ этилаётган даврда "Марказий Осиё, кўпинча кўрсатишга уринганларидек, "иқтисодий ботқоқ" бўлмаган, аксинча, у қуруқликдаги Евросиё савдо-сотиғини таъминлашдек муҳим вазифани бажаришда давом этган. Боз устига, даврнинг глобал иқтисодий рақобати ва мезонларига жавоб беришга мажбур бўлган минтақада Евросиё савдосининг йўналишлари, характери ва динамикасида жиддий ўзгаришлар юз берганки, бу бевосита, Европадан Осиёга борадиган денгиз йўлларининг очилиши, анъанавий ҳамкорлар – Эрон ва Хитой билан савдо-дипломатик алоқаларнинг кескин қисқариши ва шимолда ўзининг кучайиб бораётган сиёсий ва иқтисодий даъволарига эга Россия давлати қиёфасидаги муҳим ўйинчининг вужудга келиши билан боғлиқ эди" [18]. Г.А. Агзамова қайд этганидек, бу жараёнларда "Россия билан савдо алоқаларининг ривожида муҳим ўрин тутган бир қатор ижобий ҳолатлар кузатилган" [1: 13; 9: 215]. Бунга томонларнинг савдо алоқаларини кенгайтиришдан ўзаро манфаатдорлиги, карвон савдосида қулай йўналишларнинг ишга туширилиши, савдо йўллари ва инфраструктурасининг ривожланиши, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, савдо йиғимларини тартибга солишга уринишлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ў. Мавлоновнинг фикрича, Буюк ипак йўли трансконтинентал аҳамиятининг аста-секин заифлашиши маҳаллий ҳукмдорларнинг давлат ичидаги савдо йўлларини тартибга солишига туртки берган, бу эса, Бухоро хонлиги мисолида, айниқса, мазкур минтақанинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган Бухоро – Балх – Қарши йўлида яққол кўзга ташланади [8: 187].

Ўз навбатида, машҳур немис олими Анке фон Кюгельген таъкидлайдики, тадқиқ этилаётган даврда “Ўрта Осиё билан яқин ва олис мамлакатлар ўртасидаги дипломатик ва иқтисодий алоқалар асло тўхтамаган. ... Денгиз йўлларининг очилишига қарамай, Евросиё савдоси қуруқлик бўйлаб ривожланишда давом этган ва Ғарбий Европа, шунингдек, рус савдогарлари бу савдода деярли иштирок этмаганлари учунгина Европа манбаларида у ҳақда маълумотлар кам бўлгани ҳақиқатга яқинроқ” [7: 20].

Санаб ўтилган глобал омиллар соясида ички сабаблар, хусусан, сиёсий тарқоқлик, ҳукмрон доираларнинг тез-тез алмашуви, минтақа ҳудудига кўпсонли кўчманчи аҳолининг кириб келиши ва жойлашиши, маънавий-маданий ҳаётда ўрта асрлар ақидапарастлигининг ҳукмронлиги сингари ҳолатлар нисбатан камроқ кўзга ташланади.

Совет тарихшунослигида инқироз ҳолатларининг сабабларини, аввалambор, “феодал синф ҳукмронлиги”, шунингдек, ҳукмрон табақаларнинг давлат ва жамият эмас, балки шахсий манфаатларидан келиб чиққан сиёсати хусусияти билан изоҳлаш қабул қилинган эди. Бироқ кўпгина замонавий тадқиқотчилар фикрларини умумлаштириш шуни кўрсатадики, Марказий Осиё давлатларининг XVI–XVIII аср биринчи ярмидаги инқироз сабаблари ҳам ички, ҳам ташқи хусусиятга эга турли омиллар мажмуидан иборат бўлган. Шу билан бирга, айрим олинган даврларда минтақанинг тўлақонли тараққий қилишига ҳамда марказлашув жараёнига тўсқинлик қилган инқироз ҳолатларининг кучайишига қарамай, давлатни марказлаштиришга бўлган қатъий урунишлар анъанаси ва амалиётининг мавжудлиги бу ерда мавжуд тажрибага таянган ҳолда бошқарувни ташкил этган мустақил давлатларнинг шаклланишига имкон берган.

Шундай қилиб, XVI аср бошида бир замонлар бепоён ҳудудларга эга бўлган Амир Темур салтанати марказида Ўрта Осиё

Икки дарё оралиғининг асосий маданий марказларини ўз ичига олган Бухоро хонлиги юзага келди. Амударёнинг қуйи оқимида, қадимий Хоразм заминида Хива хонлиги пайдо бўлди. Бироз ўтгач, XVIII аср бошларида қатор сабаблар туфайли Бухоро хонлигидан Фарғона водийси ажралиб чиқиб, бу ҳудудда XVIII аср мобайнида Қўқон хонлиги шаклланди.

Бу давлатлар ўртасидаги ўзаро урушлар маҳаллий аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсир кўрсатган. Айниқса, сиёсий тарқоқлик ташқи босқинларга қулай имкон яратиши билан янада оғир оқибатларга олиб келар эди. Шу боис, А.Ю. Якубовский ёзганидек, “мамлакатни сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга бўлган ҳар қандай жиддий интилишни ижобий ҳодиса деб ҳисоблашга тўғри келади” [13: 8], зеро бундай уринишлар халқнинг бирлашиши ва ривожланиши учун шароит яратган.

Сиёсат майдонида Темурийлар хонадони вакилларининг ўрнини Дашти Қипчоқдан чиққан сулолаларнинг (Бухорода Шайбонийлар, Хоразмда Арабшоҳийлар) эгаллаши бошқарув тизимининг сезиларли даражада қайта қурилиши ҳамда кўплаб ҳукумат ва жамоат институтларининг ўзгаришига олиб келди. Француз тадқиқотчиси В. Фурньёнинг фикрича, “Шайбонийлар мулклари Трансоксиана чегараларидан ташқарига чиқмаган ва шу тариқа биқиқ муҳитга тушиб қолган илк ҳукмдорлар бўлишди, бу уларнинг империя ва уларнинг меросхўри бўлган давлатларнинг ҳудудлардаги этносоциал имкониятларини сезиларли даражада чеклаб қўйган эди” [11: 58].

Янги сулолалар даврида улус тизими кенгайишда давом этди, натижада Ўрта Осиё хонликлари ҳудудининг катта қисми ҳукмрон хонадон вакиллари томонидан бошқарилган алоҳида мулкларга бўлиниб кетган эди. Марказий бошқарув заифлашган вақтларда сулола бошлиғи – хон ҳокимияти номигагина бўлган, негаки қариндошларнинг ҳар бири ўз мулкини деярли мустақил равишда бошқарган. Мавжуд бошқарув тизими узоқ муддатга чўзилиб кетувчи сиёсий инқироз даврларини келтириб чиқарганки, бу ҳолат бир томондан, ҳукмрон хонадон вакилларининг ҳокимият учун кураши, бошқа томондан эса, уларни қўллаб-қувватлаб, дастлаб у ёки бу тахт даъвогари тарафдори сифатида кураш олиб борган, кейинчалик қўлларида сиёсий ва иқтисодий қудратнинг тўпланиши туфайли

амалда тахт ворислиги ва давлат бошқаруви тартибини белгилаб берган қабила бошлиқлари мавқеининг сезиларли даражада ортиб бориши билан боғлиқ эди.

Айрим замонавий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Шайбонийлар сулоласининг заифлашиб қолиши туфайли юз берган ҳокимият алмашинуви, хусусан, 1601 йилда Бухоро тахтига Аштархонийлар (Жонийлар) хонадони вакилларининг келиши ҳам давлат бошқарувида қабила бошлиқлари мавқеининг ортишига сабаб бўлган эди [10: 13].

Марказий ҳокимият қўлида сиёсий ва иқтисодий имкониятларнинг етарли эмаслиги бевосита мамлакатдаги умумий ҳолатни белгилаб берувчи чора-тадбирларни мунтазам тарзда амалга оширишга тўсқинлик қилар, кўп ҳолларда эса, саъй-ҳаракатларни бесамар бўлишига олиб келар эди.. Бундай тадбирлар, асосан, маъмурий ва солиқ тизими хизматчиларини ҳамда мулкдорларни қўллаб-қувватлаш, қўшин таъминоти, шунингдек, суғориш тизимининг мавжуд иншоотларини таъмирлаш ва янгиларини фойдаланишга топшириш бўйича оммавий ишларни ташкил этишдан иборат эди.

Ўз навбатида, умумдавлат миқёсидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий институтлар инқирозга юз тутган вақтда маҳаллий ҳукмдорларнинг ваколати ўз қўл остидаги туманлар ичида маъмурий тадбирларни амалга оширишгагина етган. Оқибатда, XVII–XVIII аср биринчи ярми даври, умуман, марказий ҳокимиятнинг сезиларли даражада заифлашиши ва иқтисодий имкониятларини кенгайтириш учун курашларнинг авж олиши билан характерланади.

Бу давр сиёсий муҳитида жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий зиддиятларнинг кучайиши ҳам кузатилган. Ҳайдаладиган ерлар ва бошқа манбалар етишмаган шароитда кўчманчи аҳолининг катта қисми ўтроқ-зироатчилик ҳаёт тарзига ўтиши аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида – бир томондан, кўчманчи аҳолининг алоҳида қисмлари ўртасида, бошқа томондан, кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўртасида иқтисодий манфаатлар тўқнашувини муқаррар қилиб қўйган.

Минтақанинг ҳудудий жиҳатдан кўчманчи аҳоли муҳитига яқинлиги “асрлар оша кўчманчиларнинг бир тўлқинини иккинчиси билан алмаштирган ўтроқлашиш ҳамда уларнинг ўтроқ маданий-

хўжалик муҳит билан қўшилиб кетишдек муаммони юзага келтирган. Одатий маданий-хўжалик тури ва турмуш тарзига боғланиб қолган даштликларнинг ўтроқ турмуш тарзини ўзгартиришдаги қийинчиликлар уларнинг марказий ҳокимият томонидан давлатни ижтимоий-сиёсий ва маъмурий жиҳатдан тартибга солиш борасида юритган сиёсатига нисбатан кўрсатган қаршиликларида яққол ўз ифодасини топган" [10: 13].

Айрим ҳукмдорларнинг (масалан, Хива хони Абулғозихон (1645 – 1663) ер-сувни тақсимлашга қаратилган ислоҳотлар ўтказишга, шунингдек, сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг умумдавлат бошқарувидаги иштирокини тартибга солишга уринишлари узоқ истиқболда кутилган барқарорликка олиб келмади. Боз устига, қўшимча маъмурий ва иқтисодий имкониятларга эга бўлган қабила бошлиқларининг мавқеи ортиб борган, бу эса хонликларда сиёсий инқирознинг авж олишига олиб келган эди. Б. Бобожонов ҳақли баҳо берганидек, қабила бошлиқлари эндиликда "ўз мулкларига даъво билан чекланмаган, балки ўз қабилаларини олий ҳокимият ва давлатдаги ҳукмрон мавқеи учун қуролли курашга тортган" [2: 97].

Тарқоқликнинг кучайиши ва мунтазам тарзда юз бериб турган ўзаро тўқнашувлар жамият ҳаётининг турли соҳалари фаолияти билан боғлиқ бўлган кўплаб амалиёт ва анъаналарнинг емирилишига олиб келган эди. Хусусан, хон ҳокимияти обрўсизланган ва давлат мавқеи сусайган шароитда давлатчиликнинг марказий ҳокимият, солиқ тизими, давлат ер эгалиги, мунтазам қўшин каби институтлари янада заифлашган.

Маҳаллий зодагонлар мавқеининг ортиб бориши XVIII асрнинг иккинчи ярмида *"легитимация инқирози"*ни* келтириб чиқарган ва бу ҳолат тахтга фақат чингизий султонларни (айрим ҳолатларда номигагина) ўтқазиш билан боғлиқ кўп асрлик сулолавий анъанага барҳам берилишига асос солган эди. Натижада, бу XVIII аср иккинчи ярми–XIX аср бошларида уч хонликда янги ҳукмрон сулолалар: Бухорода Манғитлар, Фарғона водийсида Минглар ва Хоразмда Қўнғиротларнинг ҳокимият тепасига келишига шароит яратган эди.

Ҳокимият тепасига маҳаллий сулолаларнинг келиши ҳукмрон хонадонлар сиёсатида марказий ҳокимият обрўси ва мавқеини

* Атамани Анке фон Кюгельген таклиф қилган. Қаранг: [7: 50].

мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви институтларини кучайтириш ва марказлаштириш, ташқи сиёсатни фаоллаштириш ва мамлакат “ерларини жамлаш” масалалари асосий ўринга чиқа бошлади. Умуман олганда, бир қатор мутахассислар таъкидлаганларидек, “Марказий Осиёда *улус тизими*дан кейин олий ҳукмдор яккаҳукмронлигининг жорий этилиши Европада мутлақ монархияга ўтилиши сингари ижобий ҳолат бўлган” [4: 17].

Б. Бобожонов тўғри таъкидлаганидек, “хонликларнинг сиёсий ва иқтисодий тузилмаларидаги ўхшашликларга қарамай, ҳокимият легитимациясининг шакллари ва амалга ошириш тамойиллари” бир хил бўлмаган [2: 7].

Ҳокимият учун кураш жараёнида кўрсатиб ўтилган сулоланинг дастлабки вакиллари турли мухолиф гуруҳлар билан кескин рақобат шароитида ўз мавқеъларини мустаҳкамлашнинг турли йўлларини қидириб топишар эди. Улар ўз кучларини мухолиф гуруҳларни бартараф этиш билан бирга, марказлашиш жараёнида асосий тўсиқ ҳисобланган маъмурий-сиёсий ва иқтисодий тамойилни белгилаб берувчи “улус тизими” (ёки унинг мавжуд шакли)ни бекор қилишга ҳам қаратишган эди. Бундан ташқари, ушбу даврда марказий ҳокимият турли чора-тадбирлар, хусусан, ўлчов бирликларини бирхиллаштириш, солиқ тизимини тартибга келтириш ва марказлаштириш, ер-сув тақсимоти орқали иқтисодий ресурслар устидан қатъий назорат ўрнатишга интилганлигини кузатиш мумкин. Шу жиҳатдан, бу даврда давлатнинг турли-туман ижтимоий-иқтисодий муносабатларда етакчилик қилганлиги яққол кўзга ташланади.

Олиб борилган фаол ички сиёсат туфайли марказий ҳокимият томонидан кўчманчилар билан ҳамкорлик қилишнинг, маълум бир даражада, таъсирчан механизмлари йўлга қўйилган, натижада кўчманчи аҳоли билан муносабатларнинг нисбатан тартибга солиниши ва уларнинг давлат хизматига олинишига имкон берган эди.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида учала хонликда ҳам барқарорлик ва барча соҳаларда нисбий юксалиш, жумладан, шаҳар ҳаёти ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланиши, суғориладиган ерларнинг кенгайиши, маданий ҳаётнинг фаоллашиши кўзга ташланади. Бироқ, ички ва ташқи омиллар туфайли ижтимоий-

сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ижобий ҳолатлар тўлақонли амалга ошмай қолган эди. Кўп йиллик ички зиддиятлар жамиятнинг моддий, ишлаб чиқариш ва маънавий ресурсларини сезиларли даражада заифлаштирди. Хонликларнинг ҳукмрон доиралари ўртасида давом этаётган сиёсий курашлар, ўлжа учун қўшни ҳудудларга уюштирилган тинимсиз ҳарбий босқинлар минтақа аҳолисининг умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатгани ҳолда, ҳарбий зодагонларнинг бойишига хизмат қилди. Бунинг устига, Марказий Осиё XIX асрнинг биринчи ярми охирига келиб, ўша даврдаги икки йирик салтанат – Буюк Британия ва Россия империяси босқини объектига ва қарама-қаршиликлар майдонига айланди. Оқибатда Европанинг шиддат билан ривожланаётган технологик ресурслари билан рақобатга дош беролмаган минтақа кўп йиллар Россия империясининг мустамлакасига айланишга мажбур бўлди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг мазмун-моҳиятига кўра, ўта мураккаб бўлган сўнгги ўрта асрлар тарихини ҳар томонлама, яъни нафақат салбий, балки ижобий жиҳатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда, янги манбалар асосида ва замонавий тадқиқотлар, жумладан, хорижий тадқиқотларни жалб этиш орқали батафсил ёритиш масаласи ҳозирги пайтгача тарих фанининг ўз ечимини кутаётган жиддий муаммоларидан бири бўлиб келган. Қайд этиш жоизки, замонавий тадқиқотчилар томонидан ушбу муаммоларни ҳал қилиш борасида маълум бир ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг XVI–XIX аср биринчи ярмидаги тарихи совет даврида бир неча маротаба умумлашма асар сифатида чоп этилган. Аммо, ушбу даврнинг советча қолиплардан холи, янгича қарашга уринишларни акс эттирувчи нашри Ўзбекистон эндигина давлат мустақиллигини қўлга киритган 1993 йилда пайдо бўлди. Юртимизнинг етук тарихчиси профессор Р.Г. Мукминова раҳбарлиги остида муаллифлар жамоаси ўша даврдаги барча қийинчиликлар ва мушкулотларга қарамай, фундаментал “История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.). Том III” [6] асарини дунёга келтиришга муваффақ бўлишди. Ушбу нашр Ўзбекистоннинг сўнгги ўрта асрлар тарихини комплекс ёритишга илк уринишлардан бири ҳисобланади ва кейинги икки ўн йиллик давомида кўрсатилган давр тарихи бўйича асосий қўлланма бўлиб қолди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарих фани ривожига янада туртки берилди, у янги сифат ва миқдор босқичига кўтарилди. Хорижий назария ва методологияларнинг ўзлаштирилиши, тарихий жараёнларга баҳо беришда тарихий материализм моделларидан, хусусан, ўша давр давлатчилик тараққиётидаги ижобий жараёнларга аҳамиятсизлик билан қараш, алоҳида шахсларнинг тарихдаги ролини инкор қилиш, тарихий ҳодисаларни фақат синфий ва формацион ёндашувлар доирасида талқин қилишдан воз кечилиши ватан тарихининг илгари тадқиқ қилинмаган ёки атайин сохталаштирилган масалаларини холисона ёритиш учун кенг имкониятларни юзага келтирди. Бунинг натижаси ўлароқ, 2012 йилда янги "История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.)" [5] номли жиддий фундаментал монография чоп этилди. Шу билан бирга, ўрта асрлар тарихига доир тадқиқотлар йўналишининг ривожланишида муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилувчи республика архив ва қўлёзмалар хазиналарида сақланаётган ноёб шарқ қўлёзмаларининг ҳам ўрни катта. Сўнгги йилларда чоп этилган Б. Бобожонов [2], А.Ҳакимовнинг [12] асарлари, ўзбекистонлик ва россиялик тадқиқотчиларнинг "Россия – Средняя Азия. Политика и ислам в конце XVIII – начале XX в." [10] номли жамоавий монографияси, "*Central Asian Survey*" [16] ва "*Die Welt des Islams*" [17] каби нуфузли халқаро илмий журналларнинг тўлиқ Марказий Осиё тарихига бағишланган махсус сонлари, шунингдек, Муҳаммад Ризо Огаҳий қаламига мансуб "Жоме ал-воқеоти султони" асарининг Н. Тошев томонидан тайёрланган танқидий матни [14] ва бошқалар бунинг далили ҳисобланади.

Шундай қилиб, замонавий босқичда кўп сонли янги манбаларнинг муомалага киритилиши, тадқиқотлар методологик ва назарий асосларининг мунтазам янгиланиб бориши Марказий Осиё халқларининг XVI асрдан то хонликларнинг Россия империяси томонидан босиб олинишига қадар бўлган тарихини ўрганишга бўлган ёндашувларни тўлиқ янгилаш вазифасини ҳал этиш имконини берди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Агзамова Г.А. Среднеазиатские ханства и Россия: к истории караванной торговли (XVI – первая половина XIX в.) // Россия-Узбекистан: история и современность. Москва: ИАЦ МГУ, 2008.
2. Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент. 2010.
3. Бартольд В.В. Мусульманский мир после XV века / Сочинения в 9 томах. Т. VI. Москва, 1966.
4. Гуломов Х.Г., Татыбаев А.С. Центральная Азия и мировая история. Ташкент, 2004.
5. История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.) / Отв. редактор Д.А. Алимова. Ташкент, 2012.
6. История Узбекистана. Том III / Ответ. ред. Р.Г. Мукминова. Ташкент, 1993.
7. Кюгельген А. Фон. Легитимизация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX вв.). Алматы, 2004.
8. Мавлонов У. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. Тошкент, 2008.
9. Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Ташкент, 1976.
10. Россия и Средняя Азия. Политика и ислам в конце XVIII – начале XIX века. / Том I. Москва. 2010.
11. Фурньо В. Семиречье и Тарнсоксиана (Мавераннахр): их связи в истории тюркизации и седентеризации нижней Центральной Азии // Урбанизм и номадизм в Центральной Азии: история и проблемы. Алматы, 2004.
12. Хакимов А. Искусство Узбекистана: история и современность. Ташкент, 2010.
13. Якубовский А.Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои // Сб. Алишер Навои. Москва-Ленинград. 1946. С. 5–30.
14. Agahi Muhammad Riza. Mirab, Jami‘ al-vaqi‘at-isultani / Ed. in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by Nouryaghdi Tashev. Samarkand-Tashkent, 2012.

15. Bregel Y. The Role of Central Asia in the History of the Muslim East. Institute of Asian and African Affairs. The Hebrew University of Jerusalem. Occasional Paper № 20. New York, 1980.
16. Central Asian Survey. Vol. 29, No. 1, March 2010.
17. Die Welt des Islams. Vol. 50. 2010.
18. Levi S.. India, Russia and the Eighteenth-Century Transformation of Central Asian Caravan Trade. JESHO, 42, 4 (1999). P. 519–548
19. Scwarz F. Ohne Scheich kein Reich – Scheibaniden und Naqsbandis in der Darstellung von Mahmud ibn Wali. // Annäherung an das Fremde: Akten des 26. Deutschen Orientalistentages. Stuttgart: Franz Steiner, 1998. P. 259–267.
20. Spuler B. The Cambridge History of Islam. Vol. 1. Cambridge, 1970.

Д. Алимова

Марказий Осиёнинг XVI–XIX аср биринчи ярмидаги тарихи янги методологик ёндашувлар контекстида

Мақолада XIX асрнинг XVI – биринчи ярмидаги Марказий Осиё тарихи янгича методологик ёндашувлар контекстида ўрганилди. Муаллиф тадқиқотчиларнинг минтақани қолоқ ҳудудга айлантиришга ҳисса қўшган “аста-секин пасайиш” ва “чуқур қолоқлик”, "минтақанинг изоляцияси" ҳақидаги фикрларни танқид қилган. Ўз фикрларини исботи сифатида бу даврга нисбатан бундай таърифлардан фойдаланишнинг нотўғрилигини исботлаган замонавий, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий тадқиқотчиларнинг қарашларини берган.

XVII–XVIII асрнинг биринчи ярми ва XIX асрнинг охирида ўткир ва давомли инқирозлар бўлиб ўтганини инкор қилмаган ҳолда тадқиқотчилар давр тарихини салбий тенденцияларини тавсифлаш билан чекланиб қолмай, балки ташқи ва ички омиллар контекстида давр хусусиятлари сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар динамикасини батафсил ўрганишга эътибор қаратишларини таклиф этишади.

Мақола муаллифи бу давр минтақа тарихини Шарқда ҳамда Ғарбда бўлиб ўтган жараёнлар контекстида методологик жиҳатдан кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлайди.

Илмий муомалага катта миқдорда янги манба материалининг киритилиши, услубий ва назарий базанинг янгиланиши, хорижий назария ва услубият натижаларидан фойдаланиб, XVI асрдан бошлаб хонликларни Россия империяси томонидан босиб олинишигача Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишга холисона ёндашиш имконини беради.

Калит сўзлар: *Марказий Осиё, Амир Темур, сўнгги ўрта асрлар, методология, тарихшунослик, Шайбонийлар, Аштархонийлар, хонликлар, Р.Г. Мукминова, давлатчилик, Ю.Э. Брегел*.

Д. Алимова

История Центральной Азии XVI – первой половины XIX вв. в контексте новых методологических подходов

В статье рассматривается история Центральной Азии XVI–первой половины XIX в. в контексте новых методологических подходов. Автор подвергает критике устоявшийся дискурс о «постепенном упадке» и «глубокой отсталости», усиливавшейся «изоляции региона», способствовавших превращению его в маргинальную провинцию. В качестве контраргументов приводятся взгляды современных, как отечественных, так и зарубежных исследователей, доказавших некорректность использования подобных дефиниций применительно к данному периоду.

Не отрицая факта возникновения острых и затяжных кризисных тенденций в XVII – первой половине XVIII в., и к концу XIX вв., исследователи предлагают не воспринимать историю этого периода, как априори, и характеризовать не только негативные тенденции, а сфокусировать внимание на детальном изучении характера, особенностей и динамики политических, социально-экономических и культурных трансформаций в контексте внешних и внутренних факторов.

Автор статьи подчеркивает, что историю региона этого периода надо методологически рассматривать в контексте мировых процессов, протекавших как на Востоке, так и на Западе.

Введение в научный оборот обширного количества нового источникового материала, обновление методологической и теоретической базы, используя результаты зарубежных теорий и методологий, позволит объективно подходить к изучению истории народов Центральной Азии с XVI века до периода завоевания ханств Российской империей.

Ключевые слова: *Центральная Азия, Амир Темур, позднее средневековье, методология, историография, Шейбаниды, Аштараханиды, ханства, государственность, Р.Г. Мукминова, Ю.Э. Брегел*.

D. Alimova

The history of Central Asia in the 16th - the first half of the 19th centuries in context of new methodological approaches

In the article the history of Central Asia in the 16th – first half of the 19th century is considered in the context of new methodological approaches. The author criticizes the established discourse about "gradual decline" and "deep backwardness", the growing "isolation of the region", which contributed to its transformation into a marginal province. There have been given the views of modern, both national and foreign researchers as counterarguments, which have proven the incorrectness of applying such definitions in relation to this period.

Not denying the fact of the emergence of acute and protracted crisis trends in the 17th – first half of the 18th century, and by the end of the 19th centuries, the researchers suggest not to perceive the history of this period as a priori, and to characterize not only negative trends, but focus on a detailed study of character, the features and dynamics of political, socio-economic and cultural transformations in the context of external and internal factors.

The author of the article emphasizes that the history of the region of this period should be methodologically considered in the context of world processes that took place both in the East and in the West.

Scientific applying of a vast amount of new sources, updating of methodological and theoretical grounds, using the results of foreign

theories and methodologies, admits an objective approach considering the history of Central Asian people from the 16th century till the conquest of the khanates by the Russian Empire.

Key words: *Central Asia, Amir Temur, late Middle Ages, methodology, historiography, the Sheibanids, the Ashtarakhanids, the khanates, statehood, R.G. Mukminova, Yu.E. Bregel*.

Х. Абдурасулов

Из истории внедрения в Туркестанском крае российских мер и клейменых весов [*]

В данной статье речь идет о вопросах метрологии и внедрении российских фирменных мер и весов в Туркестанском генерал-губернаторстве во второй половине XIX – начале XX в.

Если обратиться к исследованиям российских историков об истории метрологии в России, то можно узнать немало интересных фактов. Например, традиционная русская система мер, о замене которой на метрическую систему мер впервые заговорили на правительственном уровне в 1875 году, прекратила свое существование только 21 июля 1925 г. [3: 2] Хотя к тому времени многие европейские страны постепенно переходили на метрическую систему, данная система мер полвека служила во всех губерниях и уездах Российской империи: от Варшавы до Владивостока и от Архангельска до Коканда. Российская империя тоже готовилась к переходу к метрической системе для унификации и стандартизации эталонов сообразно с требованиями Международного бюро мер и весов и Генеральной конференции по мерам и весам. Подготовка к этому событию началась гораздо раньше: еще 20 мая 1875 г. Российская империя в числе первых семнадцати стран подписала Метрическую конвенцию, которой была установлена процедура координации метрологических эталонов для мирового научного

[*] Автор благодарит фонд им. Герды Хенкеля (Gerda Henkel Stiftung) за предоставление индивидуального научно-исследовательского гранта в 2014–2016 гг. в рамках которого была написана данная статья.